

Маккадан чиқиш ва Суроқа ибн Молик қиссаси



11:00 / 14.06.2020 2218

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг олдларига бордилар ва икковлари биргаликда йўлга чиқишди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шериклари ҳамроҳлигида Маккадан чиқиб, Савр ғорига бордилар. Қурайш эса уларни яна ҳам жиддийроқ излашга тушди. Ҳатто ғорнинг оғзигача боришди. Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Агар улардан бири оёғининг остига қараса, албатта бизни кўради», дедилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Учинчилари Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима гумон қиласиз? Маҳзун бўлманг, Аллоҳ таоло биз биландир», дедилар.

Абу Бакрнинг ўғиллари Абдуллоҳ ва Омир ибн Фуҳайра икковлари ғорга келиб, хабарларни айтиб туришди. Шу ҳолатда ғорда уч кун қолдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг қизлари Асмо уларга таом келтириб берди. Сўнг икки дўст Мадина томон йўл олдилар.

Суроқа ибн молик қиссаси

Қурайш қабиласи ким Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тутиб келса, мукофотиغا юзта туя берилишини эълон қилди. Одамлар у зотни ушлашга жиддий киришдилар. Уларнинг ичида машҳур изқувар Суроқа ҳам бор эди. Суроқа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни излаб топди,

орқаларидан етиб борай деганда, минган отининг олдинги икки оёғи ерга ботиб қолди. Бу ҳолат икки марта такрорланди. Шундан кейин Суроқа: «Мен учун дуо қилинглр, мен сизлардан одамларни қайтараман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳаққиға яхши дуо қилдилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан